

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимида бошланади



ЎЗА суратлари



Кун нафаси

Президент **Шавкат Мирзиёев** 6 сентябрь куні фармацевтика тармоғида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги лойиҳалар тақдироти билан таъинланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** 6 сентябрь куні Буюк Британиянинг ташқи ишлар, Ҳамдўстлик ва тараққийёт масалалари бўйича вазири **Доминик Рааб** билан телефон орқали мулоқот қилди.



Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, «Ёшлар — келажакимиз» жамғармаси, «3йе форум» фан-таълимни ривожлантириш жамғармаси вакиллари билан иборат **Ўзбекистон делегацияси** Россия Федерациясининг Ростов-Дон шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё иқтисодий Кенгашига аъзо давлатларнинг Ёшларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари Ассоциацияси биринчи съездида иштирок этди.



Оролбўйида **экология** полицияси фаолият бошлади.

Пойтахтимизда **қиличбозлик** спорти бўйича Осиё, Пан Америка ва Африка конфедерациялари ҳамкорлигида **конференция** бўлиб ўтди.




«Pfizer» ва «Moderna» вакциналарининг **хавфсизлиги** исботланди. 6 миллиондан ортиқ тиббий қайдни ўрганиб чиққан «Kaiser Permanente» нотижорат ташкилоти мутахассислари шундай хулосага келишди.

Жорий йилнинг 13-19 сентябрь кунлари Мисрнинг Александрия шаҳрида замонавий **бешкураш бўйича** 17-19 ёшли спортчилар ўртасида **жаҳон чемпионати** ташкил этилди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабарига кўра, 6 сентябрь куні тонгда **ZF-UZ-VAC2001** вакцинасининг **3 миллион дозаси** юртимизга олиб келинди.



Мудофаа вазирлигининг Сарбосиёи гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан **«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»** шiori остида маданий ҳордиқ тадбири ўтказилди.

3-5 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Пахтакор» стадионининг 30 йиллигида Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган **«Мустақиллик кубоги»** баҳслари уюштирилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ВАТАН ШОНИН УЛУҒЛАБ...



Япониянинг Токио шаҳрида ўтган XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 8 олтин, 5 кумуш ва 6 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 160 дан зиёд давлат орасида 16, МДХ ва Осиё мамлакатлари ичида 4, туркий тили давлатлар орасида 2, Марказий Осиёда эса 1-ўринни ўринни эгаллади.

«Янги Ўзбекистон» мажмуасида бўлиб ўтган маросимда паралимпия ўйинлари ғолибларининг ҳар бирига 200 минг АҚШ доллари, уй ва автомобиль, кумуш медал совриндорларига 100 минг АҚШ доллари, автомобиль ва хонадон, бронза медали соҳибларига эса 50 минг АҚШ доллари, хонадон ва автомобиль Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси сифатида топширилди.



Паралимпиада-2021 чемпионлари:

- **Учқун Куронбоев** (дзюдо, -66 кг)
- **Нозимахон Қайумова** (Ф13 классида найза улоқтириш)
- **Моҳигул Ҳамдамова** (Ф57 тоифасида диск улоқтириш)
- **Феруз Саидов** (дзюдо, -73 кг)
- **Бобуржон Омонов** (Ф41 классида ядро улоқтириш)
- **Хусниддин Норбеков** (Ф35 классида ядро улоқтириш)
- **Сафия Бурханова** (Ф12 классида ядро улоқтириш)
- **Гулжаной Наимова** (таэквондо, +58 кг)

КУМУШ МЕДАЛ СОВРИНДОРЛАРИ:

- **Асила Мирзаёрова** (Т11 классида узунликка сакраш)
- **Рўза Қўзиёва** (пауэрлифтинг, -61 кг)
- **Парвиза Самандарова** (дзюдо, -57 кг)
- **Довурхон Кароматов** (дзюдо, -81 кг)
- **Нурхон Курбонова** (Ф54 классида найза улоқтириш)

БРОНЗА МЕДАЛ СОВРИНДОРЛАРИ:

- **Ислом Асланов** (100 метрга баттерфлай усулида (S13 класс) пара-сузиш)
- **Элбек Султонов** (Ф12 классида ядро улоқтириш)
- **Нафиса Шерипбаева** (дзюдо, -63 кг)
- **Шариф Халилов** (дзюдо, -100 кг)
- **Нурхон Курбонова** (Ф54 классида ядро улоқтириш)
- **Шоҳсанам Тошпўлатова** (200 метрга комплекс сузиш)

Мустақилликнинг ўттиз йиллигига ўттизта янги иш ўрни

Темирйўлчилар туҳфаси



Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти «Бухоро минтақавий темир йўли» унитар корхонаси Когон туманининг чўл зонасида жойлашган узелга қарашли sanoat ишлаб чиқариш мажмуаси базасида тикувчилик цехи барпо этди.

Ушбу ҳудудда 2019 йилдан буён брусчатка, гишт блоклари, тиканли сим каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Махсус кийим-кечак тикишга йўналтирилган тикувчилик цехи эса тўртинчи йўналиш сифатида ташкил этилди. Қисқа муддатда қуриб битказилган бинада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Истиқлолимизнинг 30 йил-

Назокат НУРМАТОВА

Муаллимдан етти қадам ортда юринг!

Шунда унинг соясини
топтамайсиз



Тошкент шаҳри

Тўхфа

ҚУВОНЧ ОҒУШИДА

Агросаноат мажмуи ходимлари касабa уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан тизимдаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган кам таъминланган ва эҳтиёжманд ходимларнинг 200 нафар фарзандига ўқув қуроллари тўхфа этди.

– Бу йил ўғлим илк бор мактаб оstonасига қадам қўйди. Берилган совгадан иккимиз ҳам беҳад шод бўлдик. Эътибор ва ғамхўрлик-

дан жуда хурсандмиз, – дейди «GOLD DRIED FRUITS EXPORT» МЧЖ ходими Ч.Рўзиева.

Ўз мухбиримиз

Сирдарё вилояти



УНУТИЛМАС ОНЛАР

Сирдарё қўйи ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида Мустақиллиқнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар, янги инвестицияларнинг ҳаётиимизга татбиқ этилаётгани ва бунда сирдарёлик сувчиларнинг ҳам муносиб хизматлари борлиги таъкидланди.

Мустақиллиқнинг 30 йиллиги арафасида Президент фармонига кўра, Сайхунобод тумани ирригация бўлими гидротехниги Баҳодир Бобоқулов «Шўхрат» медали билан тақдирланди. Тадбир давомида Б.Бобоқуловга ушбу мукофот тантанали равишда топширилди. Шунингдек, 25 нафар соҳа ходимиغا касабa уюшмасининг эсдалик

совғалари тақдим этилди. Худди шундай тадбир Оқолтин туманидаги «Индо-рама агро» МЧЖ хорижий корхонасида ҳам бўлиб ўтди. Корхона маъмурияти ва бошланғич касабa уюшмаси томонидан ходимлар рағбатлантирилди. 24 нафар аъзога моддий ёрдам ҳамда 80 нафар ишчига эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат ЖАББОРОВ,
Агросаноат мажмуи
ходимлари касабa уюшмаси
Республика кенгашининг
Сирдарё вилояти бўйича
масъул ташкилотчиси

Қашқадарё вилояти



ТИББИЙ ХИЗМАТ ЯНГИЛАНМОҚДА

Косон туманидаги юқумли касалликлар шифохонаси янгича қиёфада фойдаланишга топширилди. 5 миллиард сўмлик маблағ эвазига капитал таъмирдан чиқарилган мазкур маскан туман аҳлига ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди.

– Шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан ҳам таъминланди, – деди туман тиббиёт бирлашмаси касабa уюшма қўмитаси раиси Шоймурод Эргашев. – Умумий таҳлиллар учун ускуналар, биокимёвий ла-

боратория асбоблари, ультра товушли аппарат, 24 та кислород концентратори, 5 дона сунъий нафас олдириш аппарати шулар жумласидан.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Эътироф

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгашида хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда «Аёллар дафтари» ижросини таъминлаш мақсадида фаолияти энг намунали деб топилган Аёллар маслаҳат кенгашларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, Янги Наманган туманидаги «Бунёдкор» ҳамда Чортоқ туманидаги «Саркор» маҳалласи қошида ташкил этилган Аёллар маслаҳат кенгашларига 50 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Шунингдек, болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсу-

мининг ёпилишига бағишланган анжуман ҳам бўлиб ўтди. Унда мавсумнинг уюшқоқлик билан ўтказилишида намунали меҳнатлари билан жамоада хурмат қозонган бир қатор оромгоҳ ишчи-ходимлари «Энг намунали болалар оромгоҳи», «Энг намунали болалар оромгоҳи бошлиғи», «Энг намунали болалар оромгоҳи тарбиячиси»,

Андижон вилояти

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш Республика комиссияси ҳар бир аёлнинг дардига қулоқ тутиб, уларни ҳаётдан рози қилиш, бу ёруғ дунёда рўшнолик кўриб яшашлари учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

Дастлаб асосий эътибор ҳаётнинг аччиқ-чучук синовларини ҳўп ва кўп тортган, узоқ йиллик касаллик ёинки йўқчиликдан руҳи синган опа-сингилларга қаратилгани бежиз эмас, албатта. Чиндан-да, ушбу аёлларга аввало маънавий далда бериб, руҳини кўтариш, моддий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш зарур эди. Яшириб нима қилдик: гарчи марказдан бериштирилган ишчи гуруҳ қайта-қайта ўрганиш ва назорат ишларига бош-қош бўлса-да, асосий амалий ишлар бариб кўйи бўғиндаги масъулларнинг ўз вазифасини қай даражада тўқис ва виждонан бажаришига боғлиқ эдиким, комиссиянинг назорат ва рағбат таъминловларини тенг тутганлиги боиси шундан. «Касабa уюшмалари Федерацияси лауреати», «Энг намунали аёл иш берувчи», «Энг яхши маҳалла раиси» ҳамда «Энг яхши сектор раҳбари» танловлари шу тариқа ҳаётга татбиқ этилди. Қўзланган натижалар эса кўриб гувоҳи бўлиб турибмизки, чакки эмас.

Бир неча хасталикларни бошдан ўтказиб, синов ва машаққатларда тобланган, «Аёллар дафтари»га киририлгач, давлатнинг эътиборидан куч олиб оёққа турган баликчилик Эъзога Қўчқорованинг давлат раҳбарига ёзган миннатдорлик мактубини газетамизда эълон қилган эдик. У кун кеча «Касабa уюшмалари лауреати» танловининг вилоят босқичида 1-ўринга муносиб кўрилди. Ҳайъатнинг бундай қарорга келиши бежиз эмас, албатта. Рости,

Марҳамат туманидаги «АС текстил» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Наргиза Болтабоева ўнлаб аёлларни мунтазам иш билан таъминлаб,



Аёлларни қўллаганлар кам бўлмас

тўрт мучаси соғ бўла туриб, «Берсанг ейман, урсанг ўламан!» қабилада кун кўрадиган, ишлаш ўрнига боқимандаликни ҳаёт тарзига айлантириб олганларни ҳам кўряпмиз. Эъзога эса, таъбир жоиз бўлса, ярим жони билан наинки ўзининг, маҳалласидаги ўнга яқин оиланинг қора қозонини қайнатишга сабабчи бўляпти. Эътирофга арзийдими? Албатта!

Президентимиз шу йил июнь ойида Андижонга ташрифи чоғида Избоскан туманидаги «Урганжи» маҳалласидаги ибратли ишларни кўриб, одамларнинг аҳил-иноқлиги, ҳудуд ободлиги йўлидаги меҳнатларига юқори баҳо берган эди. Энди айтинг-чи, ана шундай барча ҳавас қилса арзийдиган МФЙ раиси рағбатга лойиқми, йўқми? Шубҳасиз, эзгу юмушлар кўп жиҳатдан раиснинг етакчилиги қобилияти, одамларнинг бошини қовуштириб билишига ҳам боғлиқ! Айни мезонлар сабаб «Урганжи» маҳалласи етакчиси Нафосат Маҳкамовага «Энг яхши маҳалла раиси» мақоми берилди.

Марҳамат туманидаги «АС текстил» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Наргиза Болтабоева ўнлаб аёлларни мунтазам иш билан таъминлаб,

уларнинг ижтимоий ҳимоясини ҳам жой-жайига қўйгани кўпларга маъқул бўлди. Бунда тадбиркор иш берувчининг режалари комиссия мақсад-муддаоси билан ҳамоҳанглиги эътиборга молик, албатта. Зотан, тадбиркор корхонадаги бўш иш ўринларига ҳаётда кўп қоқилган-туртилган, ўз кучи билан оёққа туришга интилаётган хотин-қизларни жалб қилган эди. Унинг савобга эш ҳаракатлари «Энг намунали аёл иш берувчи» танлови бўйича ғолибликка муносиб кўрилди.

Марҳамат тумани ҳокими Бобирбек Юлдашев эса «Энг яхши сектор раҳбари» сифатида тилга тушди. Ушбу танлов ҳам тасодиф эмаски, Марҳамат туманининг зикр этилаётган секторида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бобига мақташга арзигулик натижалар анчагина.

Мустақиллик байрами олдидан Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси жойларда бир қатор Аёллар маслаҳат кенгашлари аъзоларини пул мукофоти билан моддий рағбатлантирди. Андижонда ҳам Асака туманидаги «Шодлик» ва Кўрғонтепа туманидаги «Хонкўча» маҳалла фуқаролар йиғинлари Аёллар маслаҳат кенгашларида Федерация вилоят кенгашининг фахрий

ёрлиғи ва 50 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди.

Айтиш жоизки, Аёллар маслаҳат кенгаши тузилмаси жамиятимизда хотин-қизларга маслаҳатлар бериш ва муаммоларини ҳал этишда муҳим бўғин сифатида шаклланмоқда. Тузилма таркиби оилада ва жамиятда ўз ўрнига эга, атрофдагиларга ўрнатқилган аёллардан иборат. Ҳеч бир тама-илин-жисиз, беминнат ишлаётган, бошқаларга намуна бўлаётган кенгаш аъзоларини нега тақдирламаслик керак?

Федерация вилоят кенгаши раиси Қодиржон Парпиевдан ўзига аталган пул мукофотини қабул қилган уй бекаларидан бири Шоҳиди-хон Нуриддинова тўққинла-ниб шундай деди:

– Қарангки, шу вақтгача мукофот ва рағбатга асосан меҳнати кўзга ташланган давлат ташкилотлари вакиллари сазовор бўлади, деб ўйлар эканман. Чекка бир қишлоқда яшаб, шунчаки савоб умидида, яхшилик йўлида қилаётган хизматларимизни кимлардир кузатиб боришини сира ҳаёлимга келтирмаганман ҳам. Эътибор ва қадр-қимматни улуғлаш бўлса, шунчалик бўлар-да...

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«ISHONCH»

Тақдирлаш



«Энг намунали болалар оромгоҳи етакчиси» каби номинациялар бўйича тақдирланишиди.

Орзугул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Рағбат

Фарғона вилояти

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабa уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси томонидан тизимдаги бошланғич касабa уюшма ташкилотлари ўртасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.

Кўрик-танлов

КИМНИНГ ФАОЛИЯТИ НАМУНАЛИ?

Аъзолари сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида биринчи ўрин Фарғона шаҳар 1-БЎСМ, аъзолари сони 100 нафардан ортқ бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида ғолиблик эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият олийгоҳининг Фарғона минтақавий филиалининг бошланғич касабa уюшма ташкилотларига насиб этди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабa уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси томонидан «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик» шиори остида маданий тадбир ташкил этилди.

Мазкур тадбирга тармоқ тизимидаги бошланғич касабa уюшма қўмитаси раислари ҳамда тармоқ тизимида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик тагини сураётган меҳнат фахрийлари тақдиф этилди.

Фахрийлар мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами муносабати билан қўмитанинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Касабa уюшма кўмаги

БОЛАЖОНЛАР МУДОМ ШОД БЎЛСИН

Янги ўқув йили бошланиши арафасида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабa уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси томонидан тармоқ тизимидаги муассасаларда меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг 170 нафар фарзандларига 18 турдаги ўқув қуроллари совға қилинди.

Манзураҳон АҚРАМОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари
касабa уюшмаси Республика кенгашининг
Фарғона вилояти бўйича масъул
ташкилотчиси

Бухоро вилояти

Янги ўқув йилига совға



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабa уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Бухоро вилояти бошқармасида меҳнат қилаётган, кам таъминланган, кўп болали ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 нафар ишчи-ходимнинг фарзандлари учун ўқув-қуроллари олиб берилди.

Малоҳат ХАЛИЛОВА,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
Бухоро вилояти бошқармаси бошланғич
касба уюшма қўмитаси раиси



Кўмак

Ўша кунни синфдошим Рустам ўғлини уйлантираётган эди. Наҳорги ошга каттаю кичик узун-қисқа бўлиб кириб келаётганди. Бир маҳал жўрабошимиз Ҳамиджон узоқдан туриб, баланд овозда тўй эгасидан сўради:

– Домламиз кўринмадими?
Ошнамиз бир оз ўйланиб қолди. Сўнгра:
– Эсим курсин, салкам бир ҳафтадан буён ҳаммани тўйга айтиб, устозни таклиф қилиш ҳаёлимга келмабди-ку! – деганча беихтиёр бошига шапатлаб уриб қўйди.

Жўрабошимиз ҳам бўш келмади.
– Ҳа, энди одамнинг пули кўпайса, шу-да. Унча-мунча одам эсидан чиқиб қолади, – деди пичинг аралаш.


Унинг ёнида турган бошқа синфдошларимиз ҳам Рустамга норози қиёфада қараб қўйишди...

Одамлар тарқалиб, тўй тугагач, Ҳамид иккимиз Рустамнинг хатосини тўғриламоқчи бўлдик. Ошпазга айтиб, катта чинни лаганни ошга тўлдирдик-да, машинага ўтириб, ўқитувчимизнинг уйи томон йўл олдик.

Устоз ҳовлидаги сўрида кампири билан бамисоли бир жуфт каптардек бўлиб, нонушта қилаётган экан. Қирқ йил бурунги ўқувчиларининг кутилмаган ташрифидан хурсанд бўлиб, беихтиёр кўзлари ёшланди. Биздан Рустам ўғлини уйлантираётганини эшитгач, ҳайратини яшира олмади.

– Воажаб! – деди алланечук ҳаёлга толиб. – Яқиндагина унинг ўзи ҳам бола эди-ку... Вақтнинг югуриклигини қаранг-а, бугунга келиб ўғлини уйлантирадиган бўлибди-я...

Биз устоз билан «Олинг-олинг!» дея ош ер



Муаллимдан етти қадам ортда юринг!

Шунда унинг соясини топтамайсиз

эканмиз, ўқувчилик давридаги «шумлик»ларимизни эслашимиз. Бир-биримизга гал бермай, ҳангомалашишни авжига чиқарамиз.
– Бу Рустам ҳалиям футбол ўйнаб, ойна синдириб, қизларни сочини партага боғлаб тура-дими? – дея ҳазиллашиб кулади ўқитувчимиз. Кейин Ҳамидга юзланади. – Сен-чи?.. Сен хунок

ёзишда давом этаётгандирсан?

Устоз анча кексайган бўлса ҳам хотираси ҳамон кучли экан, синфимизда ўқиган 25 нафар ўғил-қизнинг ҳаммасини бирма-бир эринмай сўраб чиқди.

Ўш, биз-чи? Биз эса ҳаётимиздаги энг қувончли кунларимиз – тўй-тўйчиқларга уни

таклиф қилишни ҳам унутиб қўйибмиз.

Шу алфозда болалик давримизни эслаб вақт қандай ўтганини сезмабман. Кейин зимдан устозга разм солдим. Ёши етмишдан ошиб, кексайгани анча билиниб қолибди. Ўқувчилик кезларимиз дарсга тайёргарлик кўрмай келганларим ёки шўхликлар қилганим туфайли

Эъзоз

унинг юзларига ажин тушишига «ҳисса» қўшганимдан хижолат тордим. Ўқитувчимиз баъзан дарсга берилиб кетгани боис танаффусга чалинган кўнғироқ товушини эшитмай қоларди. Биз орқа партада ўтириб олганча, полни тепиб, дарс тугаганини билдира бошлаганимизда бир оз ранжигандай бўларди...

Буни қарангки, тўй қилсак, олис-яқин қариндошларимиз ва таниш-билишларимизни, ён-атрофимиздаги кўни-қўшниларни, ҳатто бошқа қишлоқлардаги «казо-казо»ларни ҳам қақариб, алламаҳалгача меҳмон қиламиз. Аммо ўзимизга не-не машаққатлар ила таълим-тарбия берган устозларимизни айтиш негадир кўпинча эсимиздан чиқиб қолади. Аслида бу мўтабабар зотлар ҳар қандай хурмат-эъзозга лойиқ инсонлар-ку!

«Устоз отандек улур!» деганларидек, уларнинг тўйхона тўрида ота-оналаримиз қатори савлат тўкиб ўтиришлари биз учун катта давлат-ку!

Узоқ йиллар Андижон вилоятида маънавият ишларига масъул бўлган Абдуваҳоб Нурматов «Нимагаки эришган бўлсак, азиз устозларимизнинг ўғитларига амал қилиб, эришдик», дея алқаб кўярдилар. Дарвоқе, сизу бизнинг эл ичида обрў-эътибор қозонишимиз, мавқеимиз юқалиши муаллиму муаллималаримиз берган таълим-тарбия маҳсулидир.

Японларда «Соясини топтамаслик учун муаллимдан етти қадам ортда юр», деган мақол бор экан. Мана, сизга улар эришган тараққиётнинг сир!

Майли, буниси ўз йўлига. Энг муҳими, устозларингизни тўй-маъракаларга таклиф қилиш сизнинг ҳам эсингиздан чиқиб қолмасин!..

Анваржон ҲАЛИМОВ



Замонавий дизайн асосида

Ўтган йили Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров қувасойлик ёшлар билан учрашганда улардан замонавий спорт зали барпо этиш таклифини олган эди. Шу таклифга биноан, Мустақилликнинг 30 йиллик байрами арафасида Қувасой шаҳрида замонавий спорт зали қуриб битказилди.

Қурилиш ишлари Фарғона шаҳридаги «Орзу қурилиш-таъмир» МЧЖ томонидан олиб борилган бўлиб, бунинг учун жами 2,2 миллиард сўм бюджет маблағи сарфланди.

Ўзига хос замонавий дизайнга эга мажмуа қувасойлик ёшлар спортда яхши на-

тижаларни кўлга киритишида асосий трамплин вазифасини ўташи шубҳасиз.

Спорт иншоотининг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими ҳамда бир гуруҳ фаоллар иштирок этди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Миннатдор қалблар изҳори

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги арафасида Мирзачўл туманидан бир гуруҳ таълим фидойиларининг Хоразм вилоятига саёҳати уюштирилди.

– «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида ишчи-ходимлар ҳамда оила аъзоларининг тарихий шаҳарлар ва зиёратгоҳларга саёҳатларини ташкил этиш мақсадида уюштирилган ушбу тадбир бир умр ёдимизда қоладиган бўлди, – дейди Мирзачўл туманидаги 5-умумтаълим мактаби

Мурод БЕКҚУЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси

Саёҳат



Санжарбек ҲАМИДОВ

Орамиздаги одамлар

АЁЛЛАР ШИФОКОРИ БЎЛИШ ОЙШАХОННИНГ БОЛАЛИҚДАГИ ОРЗУСИ ЭДИ. МАКТАБНИ ТАМОМЛАГАЧ, ЎША ОРЗУ УНИ АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИГА ЕТАКЛАДИ.

ОЙШАХОН ОНАНИНГ ОРЗУСИ

1964 йилда врачлик дипломи билан она шахри – Наманганга қайтгач, икки йил давомида 2-шаҳар шифохонасида терапевт мутахассислиги бўйича ишлади. Кейин шаҳардаги 2-туғуруқхонада врач акушер-гинеколог бўлиб фаолият юритди. Бу йиллар унинг учун чинакам тажриба мактаби бўлди. Ўз ишига садоқати, ҳалоллиги, ширинсуханлиги боис обрў топди, қўли енгил шифокор сифатида танилди.

1984-1986 йилларда вилоят туғуруқхонасининг 1-акушерлик бўлимини бошқарди. Бўлим мудирлигидан туғуруқхонанинг даволаш ишлари бўйича бош шифокор муовини вазифасига кўтарилди ва бу лавозимда 1992 йилга қадар ишлади. Ундан сўнг вилоят туғуруқхонаси бўлимларида бўлим мудир, сўнгра Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Наманган филиали гинекология бўлими мудир сифатида эл соғлиги йўлида самарали ва сидқидилдан хизмат қилди.

Бу йиллар шунчаки ўтмади, меҳнат дфтарчасига шунчаки қайд этилмади. Опанинг қўлида минглаб гўдаклар соғомон дунёга келди, аёллар оналик бахтига мушарраф бўлди. Қанча-қанча қизалоқларга орзу-ҳавас ва миннатдорлик ила унинг исми қўйилди.

1996 йилда Ойшахон Кўчқорова Президент Фармонию биноан, «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлди. Кўксини олтин юлдуз беади.

Ушанда уни таниган-билганлар, ҳамкасблари, шогирдлари ҳалоллик, касбга садоқат қандай қудратли куч эканини чин қалбдан англадилар. Наманган вилояти туғуруқхонасида узоқ йиллар меҳнат қилган, фаолияти мобайнида она



ва бола саломатлигини асрашдек масъулиятли ишни сидқидилдан бажарган бу аёлни барча бирдек қадрлайди.

Опанинг оиласи ҳам ҳавас қилгулик. Турмуш ўртоғи Маҳмуджон Аҳадов етук жарроҳ. Кўп йиллар вилоят шифохонасида ишлади. Ўғиллари Баҳодир ва Жаҳонгир Аҳадовлар – муҳандис. Ягона қизи Гулузра Аҳадова эса ота-онанинг касбини эгаллаган – шифокор.

Бугун Наманганнинг қаҳрамон аёли – Ойшахон Кўчқорова 80 ёшда! Бебаҳо илми, тажрибаси, юксак инсоний фазилатларини ўнлаб, юзлаб шогирдларига «юктирган» опа ҳозир пенсияда бўлса-да, унинг маслаҳатларини олиш учун хонадонидан одам аримайди.

Эълон!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ! ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИ БАРЧА ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини очиқ тендерларда жойлаштириш бўйича тендер комиссияси **2021 йил 12 октябрь куни соат 10:00 да** Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш учун шартнома(лар) тузиш ҳуқуқи учун Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 25-уй манзилида очиқ тендер ўтказлади.
2. Очиқ тендерда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин.
3. Очиқ тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қўйилади:

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1.	65A	«М.Фозилов жамоа ҳўжалиги – Пахтакор метроси»	Автобус
2.	80A	«Жанубий вокзал – М. Юсуф кўчаси»	Автобус
3.	82A	«Юнусобод мавзеси 17-даҳа – Ибн Сино 1-мавзеси»	Автобус
4.	84A	«Обод турмуш МФЙ – Гулобод кўчаси»	Автобус
5.	85A	«Қорақамиш 2/4 мавзеси – Тошкент МУМ»	Автобус
6.	86A	«Сергели кўргони – Янги Чоштепа мавзеси»	Автобус
7.	91A	«Юнусобод мавзеси 15-даҳа – Кўкча масжиди бекати»	Автобус
8.	94A	«Изза мавзеси – Халқаро аэропорт-2»	Автобус
9.	97A	«Юнусобод деҳқон бозори – Тошкент вокзали»	Автобус
10.	100A	«Қорақамиш 2/4 мавзеси – Бешёғоч майдони»	Автобус
11.	92M	«Дўмбироқ мавзеси – А.Қодирий боғи»	Микроавтобус
12.	111M	«Тузель 1-мавзеси – Қўйлиқ 5-мавзеси»	Микроавтобус
13.	122M	«Изза мавзеси АШБ – Пахтакор метроси АШБ»	Микроавтобус
14.	125M	«Тошкент тиббиёт академияси – Чилонзор метроси бекати»	Микроавтобус
15.	145M	«Мажнунтол маҳалласи – Тошкент МУМ АШБ»	Микроавтобус
16.	124M	«Ўрикзор мавзеси» АШБ – Пахтакор метроси АШБ»	Микроавтобус

4. Очиқ тендерда қатнашишни хоҳловчилар Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 25-уйга 2021 йил 7 октябрь соат 10:00 га қадар бюртнома беришлари лозим.

Буюртноманада йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (лицензия рақами ва санаси) кўрсатилиши зарур.

5. Ҳужжатларнинг битта пакети битта йўналишга ёки йўналишлар пакетига берилади. Битта тендер ҳужжатлари пакетининг нархи 55 000 (эллик беш минг) сўмни ташкил этади. Тендер ҳужжатлари пакети учун ҳақ қуйидаги ҳисоб рақамига ҳар қандай шаклда олдиндан тўланади;

Молия вазирлиги фазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
л/ч: 4014108604262773422967279
ИНН: 201122919;
МФО: 00014; ОКОЭД: 84112.

Қатнашчи томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўлаган

ҳақ қайтариб берилмайди.

6. Тендер таклифларини топшириш мuddати 2021 йил 11 октябрь соат 10:00 гача амал қилади.

Тендер таклифлари топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

7. Йўналишларда йўловчилар транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 6 ойга тузилади.

Маълумот учун телефон рақами:
71/202-05-01(308)
Ижтимоий тармоқдаги саҳифамиз:
Фейсбук: <https://www.facebook.com/tashkentdeptrans/>
Телеграм: <https://t.me/toshdeptransport>
Инстаграм: @shahar_transport_boshqarmasi
Мурожаатлар учун электрон манзили:
<http://toshkent-mintans.uz>
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши жамоаси Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси Назокат Қўзйбоевага акаси **Раҳмонжон МАТКАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Нур ичра зулмат

ёхуд китоб мутолааси қачон эҳтиёжга айланади?

Илгари ҳам, ҳозир ҳам «Тўйлар ҳақида ўйлар» деб кўп ёзилди, кўп гаплар айтилди. Аммо натижа кўзга ташланмаяпти. Назаримда, китоб мавзусининг қисмати ҳам тўй-ниқига ўхшайди. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам ёзавериш керак, айтавериш керак. Зора...

Гапнинг очигини айтганда, бугун одамлар нўқул пул санайдиган, «ким ўзар»га тўй қилиб, данғиллама иморат қуриш ҳақида бош қотирадиган бўлиб қолди. Бундай «оламшумул» ташвишлар орасида китобхонлик деб аталмиш машғулотга гўё ўрин йўқдек. Мабодо ахборотга ёки маърифатга эҳтиёж сезса, телефон титқилайди.

Яқинда ёш ёзувчилардан бири «Оддий одамлар эмас, ёзувчиларнинг ўзи китоб ўқимай қўйди», деб суҳбат берибди.

Хўш, қачон ва нима учун китоб ўқилади ёки ўқилмайди? Шу саволни бир маорифчи дўстимга бердим.

— Ҳаммаси эҳтиёжга боғлиқ. Ҳозир китоб ўқишга эҳтиёж йўқ! — деди у дангал.

Эҳтиёж! Бу «жаноб» нимадан туғилади ёки нимадан пайдо бўлади? «Эҳтиёж» деганда кўпроқ шахсий майллар, биологик талабчанлик кўз олдимга келди. Одам эҳтиёж сезади, ва масалан, сигарет чекади. Гарчи унинг зарарлиги кўп бора эслатилган бўлса-да, буни ўзи билса-да. Ёки оила бюджетига зарар бўлишини, ўзи жамиятда мавқеини йўқотишини билса-да, ароқ ичади. Қизиқ, чекувчи ва ичувчиларнинг орасидада ўзгачалик борми?

Мулоҳазаларни давом эттириб, ранг-ба-

ранг манзараларга дуч келиш мумкин. Улардан чиқадиган хулоса жуда шafқатсиз: киши қандай муҳитда шаклланса, яшаса, шунга мос нарсаларга эҳтиёж сезаркан. Худди латифада айтилганидек, ҳамма қўлидан келганини қилади-да...

Жамият иқлимини белгилаб берадиган ижтимоий манзаралар бўлади. Масалан, «тадбиркорлик муҳити» ёки «инновацион ривожланиш муҳити» дегандек. Худди шундай, «китобхонлик муҳити» деган тушунча ҳам бор. Тасаввур қилинг, тадбиркорликни ривожлантириш ёки янги техник кашфиётларни амалда қўллаш шунчалик кучайиб кетганки, бир кунлик янгиликдан беҳабар қолиш катта моддий йўқотишга олиб келиши мумкин. Агар маънавиятда ҳам кўтарилиш, янгиланишлар содир бўлаверса, одамлар сафдошидан, касбдошидан, қўшинисидан орқада қолмаслик учун ахборот манбаларига мурожаат этади. Бироқ атрофда бир хил манзара: кўпчилик мол-парастиқка ружу қўйган, битта машина иккита, икки қаватли уй уч қаватли бўлиши керак. Бундай шароитда китобга, умуман, маърифатга ўрин қолмайди. Бундай одамлар учун китоб гўё «капейка».

Муаммо муаммони туғдиради: ўзи, ҳаётдан қониқиб-мириқиб яшашнинг ўлчами борми? Яъни одамнинг қисқа умри давомида яйраб яшаши учун қанча бойлиги бўлиши лозим? Ахир «тешик тўрва»ни тўлдираман, деб қанча жон оворар-ю сарсон бўлиб, оғзи нонга етганда бўғзи қонга тўлиб қоляпти. Меъёрида, гўзал яшаш тартибини, турмуш тарзини (бу ҳолни бир сўз билан «маданиятли» дейишади) таъминлаш учун ҳам маърифат лозим. Шундай шароитда «Ҳар кимнинг ўз танлови маъқул» тамойили амал қилса, мана бундай муносабат қандай баҳоланади?

Яқинда Тошкент

вилояти ҳокимлигининг масъул ходими бўлган бир йигитга китобимни узатдим. У лоқайд ва рақлади-да, қайтариб берди.

— Йўқ, олаверинг. Сизга совға. — Нима қиламан? — Ўқийсиз.

— Э, қизиқ экансиз, китоб

ўқишга вақт қаёқда?

— Нима қиласиз кун бўйи, яна ярим кечагача?

— Тадбир ўтказамиз. Бугун 21 та тадбир бор, эртага 19 та.

У «тадбир» нималигини билмайсиз-да, дегандек, бошини ичига тортиб, чуқур сўлиш олди.

Китобдан кўрқиб — Сўздан кўрқиб. Китобдан йироқлашиб — Сўздан йироқлашиб («Сўз айлади жудо инсонни ҳайвондин»). Сўз аслида ҳақиқатнинг ҳарфларда нақшланган жамолидир.

Китоб қачон эҳтиёжга айланади? Ёки дунёнинг манзараси шу даражада ўзгариб кетди?

Ислохотлари билан кўп мактабнавермайдиган бир мамлакатда бўлиб қайтган таникли олим гурунг беради:

— Шаҳардаги тўрт қаватли «Китоблар саройи» харидорлар билан энг гавжум жой экан. Бизда Қўйлиқ бозори шунақа тикилинч. Бир китоб олувдим, пулини тўлаш учун йигирма дақиқа навбатда турдим.

Қизиқ, улар ҳаётдан орқада қолиб кетгани ёки биз? Бизда ҳам китобга ўч, ҳатто китоб «мажнун»лари (биоманлар) исталганча топилади. Қишлоққа борсам, оддий сувчи бўлиб ишлаган нафақадор Файзулло ҳоли-жонимга қўймайди: «Янги китоблардан олиб келмадингизми?». Кейинги боришимда мамнун бўлиб, бир гап айтди: «Қаришида икки жилдлик китобингизни 80 минг сўмдан сотишгаётган экан. Тўрт киши пул қўшиб олди. Навбатма-навбат ўқипмиз». «Уша китоблардан мактабга совға қилувдим, қара-мабсиз-да». «Уйда бўлгани яхши-да. Болаларга қолади, бойлик».

Афсуски, бу қишлоқда эмас, туманда ҳам биронта китоб магазини йўқ. Бу ёқда эса наشريётлар омборида миллиард-миллиард сўмлик китоблар тахланиб ётибди.

«Бир наشريётда 2016 йилда чиққан китобим учун қалам ҳақини ололганим йўқ. Чунки китоб охиригача сотиб бўлинмаган», дейди ёзувчилардан бири.

Бундай ҳолатлар битта эмас.

Долзарб мавзу

Қалам ҳақи деган нарсалар йўқ бўлди. Демак, китоб ёзиш билан тирикчилик ўтмайди. Энди йиллар давомида заҳмат чекиб яратган китобингни қалам ҳақи олмай наشر этиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Иккиюзталаб китобни ўз маблаг ҳисобидан чоп этиб юрган йирик наشريётлар ҳам фаолиятини буюртма китоблар ҳисобидан аранг давом эттиряпти.

Болалар наشريётининг номи бор-у, ўзи йўқ; қайсидир наشريёт бўлимига айланиб қолган. Аслида мактабгача таълим, умуман, мактабга кенг эътибор ва урғу берилган пайтда энг сўнгги талабларга жавоб берадиган полиграфия жиҳозлари билан таъминланган болалар наشريёти сув билан ҳаводек зарур эмасми?

Босмаҳоналар ёпиляпти, нодир касб соҳиб ҳисобланадиган полиграфчилар бошқа соҳаларга ўтиб кетаяпти. Заргарона маҳорат бирдан ҳосил бўлмайди, 15-20 йилда шу даражага етилган. Афсуски, ўнлаб, юзлаб иш ўринлари қисқариб кетаяпти.

Шундай шароитда китоб савдоси ҳақида нима дейиш мумкин? Охири нафаси билан ашаётган китоб дўконларининг пештахталари маҳсулот билан тўла, аммо харидор йўқ — хувилаб ётибди. «Шарқ зиёкори» китоб магазинида бир кунда 2-3 миллион сўмлик савдо бўларкан. Бир эшик наридаги каталакдек озиқ-овқат дўкони 20-25 миллион сўмлик савдо қилар экан. Энг кейинги «сўйло» шундан иборатки, солиқ бўйича янги кодекснинг қулга қириши билан 2020 йил 1 апрелдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи жорий этилиши туфайли барча босма маҳсулотларнинг нархи 15 фоизга ошди.

Янги Ўзбекистон ўзининг олдингига ўхшамаган тараққиёт йўли билан дунё ҳамжамияти эътиборини тортяпти. Ислохотлар жараёнида етилган муаммолар янгича ёндашувлар билан ижобий ҳал қилиняпти. Ижтимоий муҳитда ТАДБИРКОРларнинг ўрни ва мавқеи ошиб бормоқда. Холбуки, китоб бизнеси ҳам энг истиқболли соҳалардан ҳисобланади. Етарлича маблаг бор одам сармоясини китоб савдосига йўналтирса, ҳам иқтисодий наф қўради, ҳам савобга қолади. Очиги, яқин вақтларда «Фалон тадбиркор китоб чоп этишга ёки бошқа бир маданий тадбирга ҳомийлик қилди», деган гапни эшитмадик.

Китоб савдоси бўйича ғайримантиқий аҳвол юзага келган: давлат раҳбари китобхонлиқни тарғиб қилиб, рағбатлантириб турибди, жойларда одамлар китобга эҳтиёжманд, Фақат орадаги восита — етказиб бериш, яъни китоб савдоси, китоб наشر этишда жиҳдий муаммолар мавжуд.

Ўйлаймизки, маънавият ва маърифатни юксалтиришнинг ҳаётий муҳим омилиларидан ҳисобланмиш КИТОБ ҳақида ҳам ўйлаб кўрилади ва муаммоларга барҳам берилади. Барча соҳада ёруғ, нузли истиқболлар кўзга ташланмиш турганда, шамнинг ўзи ўчиб ёки хира тортиб қолса, инсофдан бўлмайди. Зеро, бу йўналишдаги юмушлар бугун эмас, келажакнинг қиёфасини белгилайди.

Ҳақим САТТОРИЙ, журналист



Саломатлик маликалари беллашуви

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги дам олиш масканида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши соврини учун «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида «Саломатлик маликаси кубоги» спорт мусобақаси ўтказилди.

Унда тиббиёт ходимлари волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка спорт турлари бўйича ўзаро куч сынашди.

Хусусан, волейбол мусобақаси бўйича Бағдод тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси ғолиб бўлди. Стол теннисидида Кува тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Ф.Мадрахимовага тенг келадиган рақиб топилмади.

Шахмат мусобақасида Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси

ҳамшираси Р.Сатторова ҳеч кимга имконият қолдирмади. Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси М.Бойботирова шашкада барча рақибларини доғда қолдирди.

Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси



Жиззах вилояти



Ғолиблик нашидаси

«Спорт — соғлиқ гарови» шиори остида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши томонидан мусобақа ўтказилди.

Эраклар ўртасида мини футбол, аёллар ва эркеклар ўртасида стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича ташкил этилган мусобақада 200 нафарга яқин ишчи-ходим иштирок этди.

Мини-футбол спорт тури бўйича 1-ўрин Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмаси жамоасига насиб этди. Арнасой тумани тиббиёт бирлашмаси ходими Фарҳод Бегматов стол тенниси, Фориш тумани тиббиёт бирлашмаси ходими

Миразиз Шукурullaев шашка бўйича устунлиқни қўлдан бой бермади.

Мусобақада «Энг ёши улў иштирокчи», «Энг ёш моҳир иштирокчи», «Энг моҳир хужумчи», «Энг моҳир шахматчи», «Энг моҳир дарвозабон» «Энг яхши ташкилотчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Мелитожи ЯКУБОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси



Бухоро вилояти

Бухоро шаҳридаги ногирон аёлларга мўлжалланган «Мурувват» интернатуида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мурувват

Тадбирга келган меҳмонлар «Мурувват» уйида яшовчи аёлларни мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан муборакбод этиб, уларга қimmatбахо совғалар топширишди.

Байрам дастурхони ёзилиб, бир пиёла чой устида ўтказилган тадбир барчага манзур бўлди.

Шаҳрибону ҲУСЕНОВА



Тошкент шаҳри

Мирзо Улуғбек тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги боғчалар мудирилари иштирокида анжуман ўтказилди.

Унда «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим стандартлари», «Илк қадам», «Илк йўли» ўқув дастурларининг мазмун-моҳияти, «ДМТТда замонавий педагогик технологиялар» ҳамда «Мактабгача ёшдаги болалар шахсиятини тарбиялашда оила, мактаб ҳамда мактабгача таълим ҳамкор-

Мактабгача таълим



Мудиралар муҳокамаси

лиги» каби долзарб мавзулар юзасидан тренинг машғулотлари уюштирилди.

Тадбир якунида фаол мудиралар ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман босқичи ғолиблари Таълим ва фан ходимлари касаба

уюшмаси Мирзо Улуғбек тумани кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Камола НАЗИРОВА, Мирзо Улуғбек туманидаги 57-сонли ДМТТ касаба уюшма кўмитаси раиси



Қашқадарё вилояти

Фаолият

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Орта қолган 8 ой мобайнида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича қатор ишларни амалга оширди.

Даставвал меҳнат жамоаларида Давлат дастурининг мақсад ва моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Маънавият соатлари», давра суҳбатлари ташкил этилди.

Жамоа шартномалари орқали пенсия ёшидаги 8 нафар ходимга моддий ёрдам берилди ва қимматбахо совғалар топширилди. 17 нафар фахрий ҳамда икки нафар ногиронлиги бор педагог ҳолидан хабар олинди, уларга ҳам моддий кўмак кўрсатилди.

Ташкилот ва муассасаларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 128 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинди. Шунингдек, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 23 нафар кам таъминланган оила вакилига ҳам моддий ёрдам ажратилди.

Айниқса, касаба уюшмалари томонидан шаҳрисабзлик 20 нафар илғор педагогнинг «Қашқадарё соҳили» са-

Садўлла АБДУЛЛАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши раиси

МУАССИС:



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ

(тахрир хайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕТОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМКЎЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб — «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт — (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43 Маркетинг ва буюнча — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Хўдаўлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти — (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти — (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти — (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти — (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти — (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти — (+998-99) 889-98-55 Қўрғондарё вилояти — (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти — (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти — (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланмиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Ҳайдаров

Мусаҳҳих: Д. Худойберганаова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти — 23:55

Топширилди — 01:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Буюртма Ғ — 906. 27567 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6 Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-й. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йў.

Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130